

# **Бити्रувчиларга диплом топширилди**



Термиз туман касб-хунар мактабининг битириувчиларига диплом топшириш маросими ўтказилди. Тантанали маросимда туман ҳокимлиги, алоқадор ташкилотлар, ота-оналар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Бу йил касб-хунар мактабини 182 нафар ёшлар тамомлашмоқда, улардан 12 нафари имтиёзли диплом билан тақдирланишди. Ўқувчи-ёшлар икки йил давомида радиоэлектр, ошпаз-қандолатчи, тикувчи-дизайнер, компьютер саводхонлиги, автомобил чилангари, электрогаз пайвандловчи касбларининг сир-асрорларини пухта ўзлатиришди.

Тадбирда сўз олганлар касб-хунар мактаби битириувчиларини катта ҳаётга қадам қўйишлари билан табриклаб кейинги фаолиятларига улкан муваффақиятлар тилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, кўплаб битириувчилар тумандаги ташкилот ва корхоналарда ўқув амалиётларини ўташ давомида ўзларига муносиб иш жойларига ҳам эга бўлишга улгуришган.